

litimoiy-huquqiy jurnal

# HUQUQ va BURCH

ISSN 2010-5436

№02(122)/2016

ТАДБИРКОРЛИК —  
ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Шартнома шартлари  
БАЖАРИЛМАСА...

НАВОИЙ ИЖОДИДА  
ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАР

Мутакаллим ва фақиҳ олим Абу Бакр Сарахсий 1009 йили Сарахс шаҳрида таваллуд топди. Баъзи манбаларга кўра аллома қозилик билан ҳам шуғулланган ва халқ ичида ўзининг одиллиги, ўткир зеҳни билан ҳурмат қозонган. **40-бет**



Хўжалик судлари хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш, жумладан, мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низоларни кўриб чиқишда амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга қатъий амал қилмоқда. **10-бет**



## IQTISODIY ISLOHOTLAR YO'LIDA

**24.** Хусусий мулк ва тадбиркорлик: уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар

## JARAYON

**28.** Текширишларни рўйхатга олиш энди электрон шаклда

## SHARQNING BUYUK ALLOMALARI

**32.** Навоий ижодида тарихий-ҳуқуқий атамалар

## MUNOSABAT

**37.** Аёл — жамият гултожи

## SHARQNING BUYUK ALLOMALARI

**40.** Алломалар қуёши: Абу Бакр Сарахсийнинг маънавий мероси

**44.** «Huquq va burch» javob beradi

## SARHADLAR OSHA...

**46.** Янги Зеландия

## XOTIN-QIZLAR HUQUQI MASALALARI

**50.** Давлат ва жамият ҳаётида хотин-қизлар иштироки

## TADQIQOT, TAHLIL, TAKLIF

**54.** Таълим тизими: уни ривожлантиришда нодавлат таълимнинг ўрни

**56.** Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар: уларнинг олдини олиш ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир

**58.** Бюджет кодекси: унинг мамлакатимиз молиявий қонунчилигини такомиллаштириш ва тизимлаштиришдаги аҳамияти

**60.** Юридик шахслар: уларнинг жавобгарлигига оид айрим мулоҳазалар

**62.** Масъулияти чекланган жамият: унинг Германия қонунчилиги бўйича фуқаролик-ҳуқуқий мақоми



# СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

уларнинг олдини олиш ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим омилидир

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар солиқ тизимини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Солиққа оид ижтимоий муносабатларни мустаҳкам тартибга солиш мамлакат ижтимоий таъминот тизимининг нормал фаолият кўрсатишини, айниқса, давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



Маълумки, юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойдани яшириши, камайтириб кўрсатиши давлат бюджетига салбий таъсир кўрсатади. Тўланиши ва бюджетга тушиши лозим бўлган маблағлардан жамият манфаатига зид равишда фойдала-

нилиши эса солиқ соҳасида содир этиладиган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфини янада оширади.

Таъкидлаш жоизки, хуқуқбузарликларнинг профилактикаси хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда баргараф этишга қаратилган ижтимоий,

хуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

Бир қатор тадқиқотчилар солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш муаммосини тавсифлар экан, унга қуйидаги чора-тадбирлар мажмуини киритишади: фуқа-

роларни солиққа оид хуқуқбузарликлар бўлишига қўллаб-қўлланаётган чораларни хабардор қилиш; солиқ тизимини соддалаштириш қонунчилиқдаги солиқ оид хуқуқбузарликларнинг диди этишга туртки беришчи камчиликларни бартараф этиш; солиққа оид хуқуқбузарликлар учун жазобгарликни кучайтириш; фуқароларнинг ҳуқуқ маданиятини юксалтириш тўланган солиқларнинг йўналтирилаётгани ҳақида солиқ тўловчиларга аниқроқ ахборот бериш; инсофли тўловчиларни рағбатлантириш; хуқуқни муҳофизат қилиш органлари ва идоралари ходимларининг ижобий имижини яратиш ва мустаҳкамлаш; солиқ иш олиб бориш; солиқ тўлоғи тоифадаги солиқ тўловчилар учун тенг шароитлар яратиш; солиқ идоралари ходимларининг таъминотини яхшилатиш; юқори малакали кадрларни жамлаш; солиқ

чилар молия-хўжалик фаолиятининг энг криминоген тармоқлари (акцизли товарлар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш) тартибга солишга қаратилган норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш; юридик шахслар ва хусусий тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш ва лицензиялаш тартибларида солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлашга имконият yaratувчи қоидаларни чиқариб ташлаш.

Бундан ташқари, ҳуқуқ муҳофаза қилиш органи фаолиятининг самардорлигини ошириш ҳам солик оид ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини бартараф этишга кўмаклашади.

Шунингдек, соликқа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш мажмуи куйидаги ўзаро алоқаватли вазифаларга асосланган: ҳуқуқбузарликларнинг динамикаси, тузилиши ва сабабларига билвосита таъсир қилувчи профилактик таъсир кўрсатиш (умумий ижтимоий профилактика); солик ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш чора-тадбирларини бартараф этиш (дидактик профилактика); солик ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг олдини олиш чора-тадбирларининг ҳуқуқий воситаларни қўллаш (молиявий-ҳуқуқий ва маъмурий профилактика).

Соликқа оид ҳуқуқбузарликларнинг энг муҳим тартибларидан бири солик

тўловчиларнинг амалдаги солик солиш тизимига салбий муносабатда эканидир. Бундай муносабат кўп жихатдан уларнинг ҳуқуқий онги пастлиги ҳамда айрим соликчиларнинг хуфиёна иқтисодиётга алоқадорлиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам соликқа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналиши, бизнингча, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда солик идораларини коррупционер соликчилардан тозалаш бўлиши керак.

Шундай қилиб, соликқа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг тахлили куйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

1) соликқа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларнинг куч-ғайратини бирлаштириш;

2) соликқа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириш;

3) инсофли солик тўловчиларни рағбатлантириш тизимини яратиш;

4) мамлакат солик тизимини ислоҳ қилиш, унда коррупцияга қарши кураш чораларини кучайтириш;

5) солик юкини камайтириш, айти пайтда солик тўлашдан бўйин товлаганлик учун жазо чораларини кучайтириш;

6) корхоналар рўйхат-

#### ABSTRACT:

Dr. Otabek Mahkamov and independent researcher Ulugbek Ashurov in their article 'Tax Crimes: Prevention as Important Factor in Maintaining Social Stability' argue that protection of social relations that belong to tax is important for normal functioning of social support system of a country and maintaining social security of a state. Also, opinion and views are expressed as to negative effect to state budget that legal and natural persons have by not paying fixed taxes and other compulsory payments, hiding income, reducing their amount.

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизимини ўз ичига олади.

дан ўтказилиши ва тугатилиши ҳамда назорат-қасса машиналаридан фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш;

7) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг моддий-техник базасини ва мазкур органлар ходимларининг турмуш шароитларини яхшилаш керак.

Мазкур чора-тадбирлар соликқа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, жумладан, уларнинг камайтириш, қонунга итоаткор солик тўловчилар сонининг ошиши, аҳолининг ҳуқуқий ва иқтисодий маданияти юксалишига олиб келади ва пировардида, давлат бюджетига солик ёки бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тўланишига хизмат қилади.

**Отабек МАҲКАМОВ,**  
ТДЮУ кафедра мудири,  
юридик фанлар доктори,

**Улугбек АШУРОВ,**  
мустақил изланувчи